O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# FARMOYISHI

2025 yil «6» март № Ф–18

## Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида

Томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил қилган ҳолда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда камбағал оилалар билан манзилли ишлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада фаоллаштириш орқали 2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ва муборак Рамазон ойини **кўтаринки кайфиятда** ўтказиш мақсадида **қарор қиламан**:

**I. Мақсадлар.**

1. **2025 йил 11 мартдан бошлаб "долзарб бир ойлик" сафарбарлиги** (кейинги ўринларда – сафарбарлик) эълон қилинсин ва унинг доирасида қуйидаги мақсадли кўрсаткичлар белгилансин:

   (а) маҳаллаларда **29 мингта** кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш, зарур қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш;

   (б) аҳоли хонадонларига **1,23 миллион** бош парранда, **24 минг** оила асалари ва **21 минг** бош қўй-эчки ва қорамол етказиб бериш;

   (в) **400 минг гектар** аҳоли томорқаларида ҳамда **180 минг гектар** ижара ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа сердаромад экинларни экиш.

**II. Маҳаллаларда ишларни ташкил этиш.**

**2.** Вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари **1-иловага** мувофиқ ҳудуд, туман ва шаҳарларга **бириктирилсин,** уларга туман ва шаҳар ҳокимликлари, **"маҳалла еттилиги"** ва маҳалла банкирлари билан биргаликда қуйидаги **вазифалар юклансин**:

(а) **ҳар бир маҳаллада** етакчи тадбиркорларни бириктириш орқали аҳоли томорқаларида **"Бир маҳалла – бир маҳсулот"** ҳамда ижара ерларида **"Бир контур – бир маҳсулот"** тамойили асосида сердаромад экинлар экилишини ташкил этиш;

(б) маҳаллаларни **ободонлаштириш**, **кўкаламзорлаштириш**, ариқ ва зовурларни тозалаш бўйича **оммавий ҳашар** ва **маданий тадбирларни** ташкил этиш;

(в) "**Яшил макон**" умуммиллий лойиҳаси доирасида **дарахт кўчатлари экилишини** ташкил этиш, камбағал оилалар хонадонларига экиш учун мевали дарахтлар кўчатларини етказиб бериш;

(г) маҳаллаларда мини-трактор ва мотокультиватордан фойдаланган ҳолда **аҳоли томорқаларини экин экишга тайёрлаш** ишларини ташкил этиш ҳамда уларга уста деҳқонлар ва агрономларни бириктириш;

(д) сув таъминоти оғир бўлган **874 та** маҳаллани **суғориш тизими билан таъминлаш** бўйича лойиҳаларни **Наврўз умумхалқ байрамига** қадар якунлаш;

(е) камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга **молиявий кўмак** пакетлари (ихчам иссиқхона, парранда, балиқ, чорва моллари, асалари қутилари, лимон, хурмо ва бошқа экинларнинг уруғ ва кўчатлари) тақдим этилишини таъминлаш;

(ж) маҳаллаларда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган **микролойиҳаларни** амалга ошириш чораларини кўриш;

(з) камбағал оилаларнинг оғир касаллиги ҳамда ногиронлиги бўлган аъзоларининг даволанишига кўмаклашиш, фарзандларини хорижий тиллар ва касб-ҳунарга ўқитиш.

**3.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов), Марказий банк (Т.Ишметов) ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла банкирлари билан биргаликда сафарбарлик даврида аҳолига микролойиҳалар доирасида **2-иловага** мувофиқ парранда, чорва моллари, асалари қутилари, ихчам иссиқхоналарни етказиб бериш ва бошқа **қўшимча даромад манбаларини яратиш** чораларини кўрсин.

**4.** Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (И. Эргашев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** маҳаллаларга қулай ҳудудларда минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш бўйича **савдо нуқталарини** ташкил этсин.

**III. Молиявий ресурслар.**

**5.** Маҳаллаларда мазкур фармойиш асосида ишларни ташкил этиш учун ҳар бир вазирлик ва идорага бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **3 миллиард сўмгача** қўшимча харажатларни амалга оширишга рухсат берилсин.

**6.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига сафарбарлик даврида, истисно тариқасида, вазирлик томонидан тасдиқланган вақтинча тартибга асосан **Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

**IV. Сафарбарликни мувофиқлаштириш.**

**7. “Долзарб бир ойлик” сафарбарлигини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

(а) сафарбарлик ишларини **ташкил қилиш**, масъул вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банкларининг маҳаллалардаги фаолиятини **мувофиқлаштириш**;

(б) мазкур фармойишда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келадиган ташкилий, молиявий ва бошқа масалаларни **тезкор ҳал қилиш**;

(в) маҳаллаларда ишларни лозим даражада ташкил этмаган сафарбарликка жалб қилинган масъул раҳбарларга нисбатан **жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминлаш**.

**8.** Сафарбарликка жалб қилинган масъулларни сафарбарлик даврида ушбу фармойишда белгиланган вазифалар билан **боғлиқ бўлмаган йиғилишлар** ва бошқа тадбирларга **жалб қилиш тақиқлансин**.

**V. Назорат.**

**9.** Қуйидагилар сафарбарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида **кунлик ҳисоботни** ҳамда **2025 йил 10 апрелга** қадар **якуний ҳисоботни** Республика комиссиясига киритсин:

(а) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Захидов) – аҳоли томорқалари ва ижара ер участкаларида сердаромад **экинларни экиш** ва **суғориш тизимини яхшилаш**;

(б) Марказий банк (Т.Ишметов) – камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга **молиявий кўмак** пакетларини тақдим этиш ва **микролойиҳаларни** амалга ошириш;

(в) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ.Куранбаев) – **ободонлаштириш**, **кўкаламзорлаштириш**, ариқ ва зовурларни тозалаш бўйича **оммавий ҳашар** ва **маданий тадбирлар** ташкил этиш;

(г) Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (А.Абдухакимов) – маҳаллаларда **дарахт кўчатларини экиш** ҳолати бўйича.

**10.** Республика комиссияси (А.Арипов) **ҳар ҳафта** маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишлар натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига **ахборот** киритиб борсин.

**11.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

(а) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Қ.Куранбаев) билан биргаликда мазкур фармойишга мувофиқ амалга ошириладиган ишларга **маҳалла аҳолисини уюшқоқлик билан** жалб қилсин, Наврўз умумхалқ байрами арафасида **оммавий ҳашар** ва **маданий тадбирларни** ташкил этсин;

(б) "**Нуроний**" жамғармаси, "**Вақф**" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотларини жалб қилган ҳолда **муборак Рамазон ойида саховатпеша фуқароларнинг хайрия ва эҳсонларини** камбағал оилаларнинг даромадларини ошириш ва маҳалла инфратузилмасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларга кенг жалб қилсин.

**12.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига аҳоли томорқалари ва ижара ер майдонларига ўз вақтида юқори даромадли экинлар экилишини таъминлаш бўйича **шахсий масъулият ва жавобгарлик** юклансин.

**13.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мазкур фармойишга мувофиқ амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ҳамда вазифалари **оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини** ташкил этсин.

**14.** Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ғ.Ғ. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

**Ш. Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 6 мартдаги Ф–18-сон фармойишига
1-илова

**Ҳудуд, туман ва шаҳарларга вазирлик, идоралар, тижорат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини бириктириш**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>Ш.Р.Хамраев – сув хўжалиги вазири<br>С.Д.Ибадов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 1. | 1. | Нукус шаҳри | **М.Омаров** – транспорт вазирининг биринчи ўринбосари |
| 2. | 2. | Амударё тумани | **Ш.Сафаров** – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.в.б. |
| 3. | 3. | Беруний тумани | **Д.Кутлиев** – АТ “Халқ банки” бошқаруви раиси ўринбосари |
| 4. | 4. | Кегейли тумани | **М.Юнусов** – “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси |
| 5. | 5. | Мўйноқ тумани | **Ш.Юсупов** – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 6. | 6. | Нукус тумани | **У.Мамадаминов** – энергетика вазири ўринбосари |
| 7. | 7. | Тахтакўпир тумани | **К.Собиров** – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари |
| 8. | 8. | Тўрткўл тумани | **А.Камилджанов** – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 9. | 9. | Хўжайли тумани | **И.Эргашев** – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори |
| 10. | 10. | Чимбой тумани | **Ш.Якубов** – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 11. | 11. | Шуманай тумани | **Д.Исакулов** – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси |
| 12. | 12. | Элликқалъа тумани | **А.Шукуров** – қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари |
| 13. | 13. | Қонликўл тумани | **М.Мирзаев** – Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 14. | 14. | Қораўзак тумани | **А.Юлдашев** – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 15. | 15. | Қўнғирот тумани | **Д.Умаров** – "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 16. | 16. | Тахиатош тумани | **С.Мамаюсупов** – Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари |
| 17. | 17. | Бўзатов тумани | **И.Абдугафаров** – транспорт вазири ўринбосари |
| **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**<br>**Б.Э.Захидов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири**<br>**А.А.Салихов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 18. | 1. | Андижон шаҳри | **Ф.Ташпулатов** – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари |
| 19. | 2. | Хонобод шаҳри | **С.Бузрукханов** – олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари |
| 20. | 3. | Андижон тумани | **Ф.Тўраев** – "Ўзавтосаноат" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 21. | 4. | Асака тумани | **А.Камалов** – Марказий банк раиси ўринбосари |
| 22. | 5. | Балиқчи тумани | **Ш.Далиев** – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 23. | 6. | Булоқбоши тумани | **А.Қосимов** – қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари |
| 24. | 7. | Бўстон тумани | **О.Одилов** – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси ўринбосари |
| 25. | 8. | Жалақудуқ тумани | **И.Касимов** – инвестиция, саноат ва савдо вазири ўринбосари |
| 26. | 9. | Избоскан тумани | **Б.Мусаев** – Миграция агентлиги директори |
| 27. | 10. | Қўрғонтепа тумани | **И.Шукуров** – Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 28. | 11. | Марҳамат тумани | **А.Файзибаев** – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари |
| 29. | 12. | Олтинкўл тумани | **М.Жураев** – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари |
| 30. | 13. | Пахтаобод тумани | **Б.Шарипов** – "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 31. | 14. | Улуғнор тумани | **Б.Сиддиков** – "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви раиси |
| 32. | 15. | Хўжаобод тумани | **С.Аннакличев** – "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раиси |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 33. | 16. | Шаҳрихон тумани | **С.Турдиев** – "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси |
| **БУХОРО ВИЛОЯТИ**<br>**Б.Т.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси**<br>**Х.А.Маматкулов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 34. | 1. | Бухоро шаҳри | **О.Бутаев** – "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви раиси |
| 35. | 2. | Когон шаҳри | **Д.Ваҳобов** – Савдо-саноат палатаси раиси |
| 36. | 3. | Бухоро тумани | **С.Садуллаев** – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 37. | 4. | Вобкент тумани | **Б.Алланиязов** – "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 38. | 5. | Жондор тумани | **У.Шадиев** – Туризм қўмитаси раиси |
| 39. | 6. | Когон тумани | **Д.Адилов** – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари |
| 40. | 7. | Олот тумани | **А.Олимов** – Марказий банк раиси ўринбосари |
| 41. | 8. | Пешку тумани | **И.Мамажонов** – "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 42. | 9. | Ромитан тумани | **Ж.Казбеков** – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари |
| 43. | 10. | Шофиркон тумани | **Ж.Умарходжаев** – "Uzbekistan airports" АЖ бошқаруви раиси |
| 44. | 11. | Қоракўл тумани | **Ж.Турсунов** – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси |
| 45. | 12. | Қоровулбозор тумани | **А.Кадирходжаев** – тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари |
| 46. | 13. | Ғиждувон тумани | **И.Жуманиязов** – "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**<br>**А.А.Абдухакимов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири**<br>**Д.У.Нармухамедов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 47. | 1. | Жиззах шаҳри | **Ш.Махмудов** – спорт вазири ўринбосари |
| 48. | 2. | Арнасой тумани | **З.Зияев** – Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 49. | 3. | Бахмал тумани | **Н.Сайдуллаев** – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари |
| 50. | 4. | Дўстлик тумани | **Қ.Юлдашев** – қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари |
| 51. | 5. | Шароф Рашидов тумани | **Ш.Жабборов** – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 52. | 6. | Зарбдор тумани | **Ж.Турдиев** – "Агробанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 53. | 7. | Зафаробод тумани | **Ю.Усмонов** – маданият вазири ўринбосари |
| 54. | 8. | Зомин тумани | **А.Асқаров** – "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси |
| 55. | 9. | Мирзачўл тумани | **Э.Кахоров** – "Агробанк" АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 56. | 10. | Пахтакор тумани | **В.Очилов** – "Агробанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 57. | 11. | Фориш тумани | **Б.Амирсаидов** – "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 58. | 12. | Янгиобод тумани | **У.Розукулов** – "Ўзавтосаноат" бошқаруви раиси |
| 59. | 13. | Ғаллаорол тумани | **А.Жуманазаров** – Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори |
| **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**<br>**Ш.С.Хидоятов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири**<br>**Б.Б.Собиров – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 60. | 1. | Қарши шаҳри | **А.Каримов** – адлия вазири ўринбосари |
| 61. | 2. | Шаҳрисабз шаҳри | **А.Хаитов** – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси |
| 62. | 3. | Деҳқонобод тумани | **О.Темиров** – "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси |
| 63. | 4. | Касби тумани | **Ж.Ўроқов** – АТ "Алоқабанк" бошқаруви раиси ўринбосари |
| 64. | 5. | Китоб тумани | **Б.Собиров** – "Ўзтрансгаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 65. | 6. | Косон тумани | **С.Раджабов** – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари |
| 66. | 7. | Миришкор тумани | **О.Қудратов** – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 67. | 8. | Муборак тумани | **О.Махкамов** – олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари |
| 68. | 9. | Нишон тумани | **И.Норқулов** – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 69. | 10. | Чироқчи тумани | **Р.Қаршиев** – сув хўжалиги вазири ўринбосари |
| 70. | 11. | Шаҳрисабз тумани | **З.Бадриддинов** – "Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси" АЖ бошқаруви раиси |
| 71. | 12. | Яккабоғ тумани | **Б.Юсупалиев** – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлииги қўмитаси раиси |
| 72. | 13. | Қамаши тумани | **А.Назиров** – "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 73. | 14. | Қарши тумани | **Ш.Худайкулов** – "Uzbekistan airways" АЖ бошқаруви раиси |
| 74. | 15. | Ғузор тумани | **Ж.Абдусаламов** – Туризм қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 75. | 16. | Кўкдала тумани | **З.Камолов** – "Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**<br>**И.Р.Махкамов – транспорт вазири**<br>**Ш.Ш.Абдуллаев – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 76. | 1. | Навоий шаҳри | **А.Ортиқов** – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори |
| 77. | 2. | Зарафшон шаҳри | **А.Миралиев** – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари |
| 78. | 3. | Ғозғон шаҳри | **Е.Антонов** – "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ бош директорининг биринчи ўринбосари |
| 79. | 4. | Кармана тумани | **Т.Ахмедов** – "Туронбанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 80. | 5. | Конимех тумани | **Ж.Файзуллаев** – "Навоийуран" ДК бош директори |
| 81. | 6. | Навбаҳор тумани | **Т.Комилов** – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари |
| 82. | 7. | Нурота тумани | **Қ.Санақулов** – "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ бош директори |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 83. | 8. | Томди тумани | **Ж.Хасанов** – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори ўринбосари |
| 84. | 9. | Учқудуқ тумани | **Қ.Тапаров** – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори ўринбосари |
| 85. | 10. | Хатирчи тумани | **Ч.Мирзаев** – “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси |
| 86. | 11. | Қизилтепа тумани | **Д.Рустамов** – “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**<br>**К.Тўлаганов – “Асака банк” АЖ бошқаруви раиси**<br>**А.А.Бахтиев – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 87. | 1. | Наманган шаҳри | **Ғ.Каршибоев** – Ўрмон хўжалиги агентлиги директорининг биринчи ўринбосари |
| 88. | 2. | Давлатобод тумани | **О.Жўрайева** – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари |
| 89. | 3. | Янги Наманган тумани | **О.Омонов** – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари |
| 90. | 4. | Косонсой тумани | **Д.Курбанов** – Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 91. | 5. | Мингбулоқ тумани | **О.Умаров** – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 92. | 6. | Наманган тумани | **Ф.Қурбонов** – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 93. | 7. | Норин тумани | **А.Қобилов** – энергетика вазири ўринбосари |
| 94. | 8. | Поп тумани | **З.Камалов** – Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари |
| 95. | 9. | Тўрақўрғон тумани | **Б.Анаркулов** – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 96. | 10. | Уйчи тумани | **Ш.Алиризаев** – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 97. | 11. | Учқўрғон тумани | **Х.Тешабаев** – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари |
| 98. | 12. | Чортоқ тумани | **О.Фазилкаримов** – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 99. | 13. | Чуст тумани | **З.Мустафақулов** – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари |
| 100. | 14. | Янгиқўрғон тумани | **К.Тўлаганов** – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**<br>**А.Ж.Вахабов – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи**<br>**С.С.Сулайманов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 101. | 1. | Самарқанд шаҳри | **Ш.Хабибуллаев –** Гидрометеорология хизмати агентлиги директори |
| 102. | 2. | Каттақўрғон шаҳар | **А.Муратов** – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари |
| 103. | 3. | Булунғур тумани | **А.Ходжаев** – "Ўзмиллийбанк" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 104. | 4. | Жомбой тумани | **А.Хайдаров** – Ғазначилик хизмати қўмитаси раиси |
| 105. | 5. | Иштихон тумани | **А.Саъдуллаев** – Ёшлар ишлари агентлиги директори |
| 106. | 6. | Каттақўрғон тумани | **Ж.Абдиев** – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари |
| 107. | 7. | Нарпай тумани | **Ф.Шарипов** – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари |
| 108. | 8. | Нуробод тумани | **М.Султонов** – "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раиси в.в.б. |
| 109. | 9. | Оқдарё тумани | **Х.Ахмедов** – АТ "Халқ банки" бошқаруви раиси ўринбосари |
| 110. | 10. | Пайариқ тумани | **А.Тошпулатов** – "Ўзтрансгаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 111. | 11. | Пастдарғом тумани | **З.Курбанов**– ички ишлар вазири ўринбосари |
| 112. | 12. | Пахтачи тумани | **Д.Султанов** – соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари в.б. |
| 113. | 13. | Самарқанд тумани | **О.Насриддинходжаев** – тоғ-кон саноати ва геология вазирининг биринчи ўринбосари |
| 114. | 14. | Тойлоқ тумани | **Э.Мухитдинов** – Ўрмон хўжалиги агентлиги директори |
| 115. | 15. | Ургут тумани | **Б.Жалилов** – "Ўзмиллийбанк" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 116. | 16. | Қўшработ тумани | **Ш.Туйчибаев** – "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмаси раиси |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**<br>**Ж.О.Урунов – Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари**<br>**Ф.А.Азизов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 117. | 1. | Гулистон шаҳри | **Ж.Каршибаев** – иқтисодиёт ва молия вазирининг маслаҳатчиси |
| 118. | 2. | Ширин шаҳри | **Х.Рахметов** – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 119. | 3. | Янгиер шаҳри | **Б.Маматкаримов** – энергетика вазирининг биринчи ўринбосари |
| 120. | 4. | Боёвут тумани | **О.Пекось** – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 121. | 5. | Гулистон тумани | **Ғ.Насиров** – Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 122. | 6. | Мирзаобод тумани | **М.Курбанов** – Давлат захираларини бошқариш қўмитаси раиси |
| 123. | 7. | Оқолтин тумани | **Ф.Насриев** – “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 124. | 8. | Сайхунобод тумани | **Ж.Чориев** – транспорт вазири ўринбосари |
| 125. | 9. | Сардоба тумани | **М.Ходжаев** – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси |
| 126. | 10. | Сирдарё тумани | **А.Хайдаров** – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 127. | 11. | Ховос тумани | **М.Якубов** – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**<br>**Б.Б. Кудратходжаев – фавқулодда вазиятлар вазири**<br>**Э.А.Юсупов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 128. | 1. | Термиз шаҳри | **Н.Кадиров** – фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари в.б. |
| 129. | 2. | Ангор тумани | **А.Сангинов** – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси |
| 130. | 3. | Бойсун тумани | **Б.Умаров** – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 131. | 4. | Денов тумани | **Ф.Абдурахмонов** – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 132. | 5. | Жарқўрғон тумани | **Ҳ.Сафаров** – Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари |
| 133. | 6. | Музработ тумани | **А.Турдалиев** – Марказий банк раиси ўринбосари |
| 134. | 7. | Олтинсой тумани | **Э.Ризаев** – "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 135. | 8. | Сариосиё тумани | **Ш.Назаров** – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси ўринбосари |
| 136. | 9. | Термиз тумани | **Қ.Ҳакимов** – "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 137. | 10. | Узун тумани | **А.Акбаржонов** – "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқаруви раиси |
| 138. | 11. | Шеробод тумани | **Ж.Инагамов** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 139. | 12. | Шўрчи тумани | **Н.Холмуродов** – инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари |
| 140. | 13. | Қизириқ тумани | **А.Абдуллаев** – Кадастр агентлиги директори ўринбосари |
| 141. | 14. | Қумқўрғон тумани | **Х.Сотиев**– фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари в.б. |
| 142. | 15. | Бандихон тумани | **Ф.Махмудов** – "Ўзбекгидроэнерго" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**<br>**И.Ю.Абдурахмонов – қишлоқ хўжалиги вазири**<br>**Х.А.Тоғаев – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 143. | 1. | Ангрен шаҳри | **А.Мусаев** – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари |
| 144. | 2. | Бекобод шаҳри | **Ш.Рабиев** – адлия вазири ўринбосари |
| 145. | 3. | Олмалиқ шаҳри | **Б.Ҳамраев** – Миллий статистика қўмитаси раиси |
| 146. | 4. | Чирчиқ шаҳри | **Ш.Атабаев** – АТ "Халқ банки" бошқаруви раиси |
| 147. | 5. | Оҳангарон шаҳри | **Б.Усмонов** – Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази директори |
| 148. | 6. | Нурафшон шаҳри | **С.Ларионов** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 149. | 7. | Янгийўл шаҳри | **Б.Қурбонов** – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси ўринбосари |
| 150. | 8. | Бекобод тумани | **И.Эргашев** – "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 151. | 9. | Бўка тумани | **С.Муродов** – "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш" АЖ директори |
| 152. | 10. | Бўстонлиқ тумани | **Д.Назармухамедов** – ички ишлар вазири ўринбосари |
| 153. | 11. | Зангиота тумани | **М.Отажанов** – Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси директори |
| 154. | 12. | Оққўрғон тумани | **Х.Қувондиқов** – сув хўжалиги вазири ўринбосари |
| 155. | 13. | Оҳангарон тумани | **А.Холмуродов** – "Алоқабанк" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 156. | 14. | Паркент тумани | **А.Суванкулов** – "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқаруви раиси в.б. |
| 157. | 15. | Пискент тумани | **М.Исмаилов** – спорт вазири ўринбосари |
| 158. | 16. | Чиноз тумани | **Б.Маматов** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 159. | 17. | Юқори Чирчиқ тумани | **С.Бобоқулов** – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари |
| 160. | 18. | Янгийўл тумани | **Ш.Тўхтабоев** – Бош прокурор ўринбосари |
| 161. | 19. | Ўрта Чирчиқ тумани | **А.Хурсанов** – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ бошқаруви раиси |
| 162. | 20. | Қибрай тумани | **А.Махаматов** – "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖ директори |
| 163. | 21. | Қуйи Чирчиқ тумани | **М.Валиев** – Давлат кадастрлари палатаси раиси |
| 164. | 22. | Тошкент тумани | **А.Азизов** – Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори |
| **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**<br>**А.Ю.Мавлонов – Божхона қўмитаси раиси**<br>**У.М.Меликов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 165. | 1. | Фарғона шаҳри | **О.Вохидов** – "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 166. | 2. | Марғилон шаҳри | **Ф.Пулатов** – Кадастр агентлиги директори |
| 167. | 3. | Қувасой шаҳри | **Б.Бобоқулов** – "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси раиси в.в.б. |
| 168. | 4. | Қўқон шаҳри | **М.Икрамов** – адлия вазири ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 169. | 5. | Бағдод тумани | **О.Хасанов** – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 170. | 6. | Бешариқ тумани | **Э.Якубов** – “Ўзбеккўмир” АЖ бош директор ўринбосари |
| 171. | 7. | Бувайда тумани | **Ж.Махсудов** – рақамли технологиялар вазири ўринбосари |
| 172. | 8. | Данғара тумани | **Т.Алиматов** – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари |
| 173. | 9. | Ёзёвон тумани | **Ж.Мустафаев** – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 174. | 10. | Олтиариқ тумани | **С.Шерматов** – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.б. |
| 175. | 11. | Риштон тумани | **Н.Абдуллаев** – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори |
| 176. | 12. | Сўх тумани | **О.Ибрагимов** – Божхона қўмитаси раиси ўринбосари |
| 177. | 13. | Тошлоқ тумани | **А.Қаюмов** – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари |
| 178. | 14. | Учкўприк тумани | **С.Мелибаев** – Марказий банк раиси ўринбосари |
| 179. | 15. | Фарғона тумани | **Ф.Рузиев** – АТ “Халқ банки” бошқаруви раиси ўринбосари |
| 180. | 16. | Фурқат тумани | **С.Зупаров** – фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари в.б. |
| 181. | 17. | Ўзбекистон тумани | **А.Таджиханов** – маданият вазирининг биринчи ўринбосари |
| 182. | 18. | Қува тумани | **Б.Бобожонов** – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 183. | 19. | Қўштепа тумани | **А.Султанов** – “Ўзчармсаноати” уюшмаси раиси в.б. |
| **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**<br>**Ҳ.С.Турахужаев** – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси<br>**Ш.Р.Атаджанов – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 184. | 1. | Урганч шаҳри | **А.Исаков** – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси в.б. |
| 185. | 2. | Хива шаҳри | **С.Абдуллаев** – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 186. | 3. | Боғот тумани | **З.Нарзуллаев** – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси в.б. |
| 187. | 4. | Гурлан тумани | **С.Нишонбоев** – ички ишлар вазири ўринбосари |
| 188. | 5. | Урганч тумани | **Ж.Абруев** – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари |
| 189. | 6. | Хива тумани | **Б.Тангматов** – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 190. | 7. | Хонқа тумани | **Ш.Салиев** – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 191. | 8. | Шовот тумани | **А.Гайбуллаев** – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 192. | 9. | Янгиариқ тумани | **С.Талибджанов** – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 193. | 10. | Янгибозор тумани | **Н.Мусамухамедов** – Божхона қўмитаси раиси ўринбосари |
| 194. | 11. | Қўшкўпир тумани | **Д.Аллайев** – Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари |
| 195. | 12. | Ҳазорасп тумани | **А.Абдукадиров** – “Uzbekistan airports” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 196. | 13. | Тупроққалъа тумани | **А.Турдибаев** – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| **ТОШКЕНТ ШАҲРИ**<br>**С.А.Мирзаев – Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари**<br>**Б.Р.Болиев – Президент Администрацияси масъул ходими** | | | |
| 197. | 1. | Бектемир тумани | **С.Усманбеков** – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 198. | 2. | Мирзо Улуғбек тумани | **Б.Жураев** – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси |
| 199. | 3. | Мирobод тумани | **А.Агзамов** – “UzGasTrade” АЖ бошқаруви раиси |
| 200. | 4. | Олмазор тумани | **Ф.Шаисматов** – “Иссиқлик электр станциялари“ АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 201. | 5. | Сергели тумани | **С.Артиков** – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 202. | 6. | Учтепа тумани | **А.Курбанов** – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 203. | 7. | Чилонзор тумани | **Д.Максудов** – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |

| Т/р | Т/р | Ҳудуд номи | Бириктирилган масъул |
|---|---|---|---|
| 204. | 8. | Шайхонтоҳур тумани | **А.Джураев** – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 205. | 9. | Юнусобод тумани | **Р.Шеров** – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари |
| 206. | 10. | Яккасарой тумани | **А.Каримов** – спорт вазири ўринбосари |
| 207. | 11. | Яшнобод тумани | **Т.Хайдаров** – “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| 208. | 12. | Янгиҳаёт тумани | **А.Мирсоатов** – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раиси |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 6 мартдаги Ф–18-сон фармойишига
2-илова

**“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги даврида амалга ошириладиган микролойиҳалар**

*млрд сўм*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар | Боғдорчилик | | Паррандачилик | | Асаларичилик | | Чорвачилик (қўй-эчки, қорамол) | | Иссиқхона | | Асбоб-ускуналар | | Хизмат кўрсатиш | | Ҳунармандчилик | | Ишлаб чиқариш | | Бошқалар (балиқ, қуён ва б.) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | *майдони (га)* | *суммаси* | *бош сони* | *суммаси* | *оила сони* | *суммаси* | *бош сони* | *суммаси* | *майдони (га)* | *суммаси* | *лойиҳа сони* | *суммаси* | *лойиҳа сони* | *суммаси* | *лойиҳа сони* | *суммаси* | *лойиҳа сони* | *суммаси* | *лойиҳа сони* | *суммаси* |
| | **ЖАМИ:** | **1 016,0** | **1 381,5** | **69,1** | **1 231 574** | **27,1** | **24 035** | **28,8** | **21 177** | **137,7** | **196,2** | **78,5** | **2 860** | **80,1** | **11 079** | **277,0** | **6 650** | **133,0** | **3 137** | **87,8** | **5 307** | **96,9** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **47,9** | 28,9 | **1,4** | 72 633 | **1,6** | 953 | **1,1** | 1 120 | **7,3** | 11,0 | **4,4** | 101 | **2,8** | 452 | **11,3** | 348 | **7,0** | 238 | **6,7** | 255 | **4,3** |
| 2 | Андижон вилояти | **101,2** | 151,9 | **7,6** | 152 951 | **3,4** | 5 249 | **6,3** | 1 207 | **7,8** | 28,3 | **11,3** | 364 | **10,2** | 655 | **16,4** | 1 027 | **20,5** | 287 | **8,0** | 558 | **9,6** |
| 3 | Бухоро вилояти | **81,7** | 81,6 | **4,1** | 121 693 | **2,7** | 2 267 | **2,7** | 2 668 | **17,3** | 25,1 | **10,0** | 193 | **5,4** | 809 | **20,2** | 328 | **6,6** | 233 | **6,5** | 337 | **6,2** |
| 4 | Жиззах вилояти | **69,8** | 123,1 | **6,2** | 104 776 | **2,3** | 916 | **1,1** | 1 323 | **8,6** | 14,1 | **5,7** | 159 | **4,4** | 858 | **21,4** | 491 | **9,8** | 159 | **4,5** | 278 | **5,8** |
| 5 | Қашқадарё вилояти | **105,2** | 129,3 | **6,5** | 97 759 | **2,2** | 1 775 | **2,1** | 3 767 | **24,5** | 12,6 | **5,0** | 527 | **14,8** | 947 | **23,7** | 461 | **9,2** | 233 | **6,5** | 612 | **10,8** |
| 6 | Навоий вилояти | **66,8** | 27,8 | **1,4** | 89 031 | **2,0** | 1 594 | **1,9** | 1 551 | **10,1** | 12,6 | **5,0** | 168 | **4,7** | 988 | **24,7** | 272 | **5,4** | 213 | **6,0** | 294 | **5,6** |
| 7 | Наманган вилояти | **64,1** | 124,3 | **6,2** | 86 540 | **1,9** | 1 017 | **1,2** | 1 101 | **7,2** | 12,6 | **5,0** | 204 | **5,7** | 663 | **16,6** | 330 | **6,6** | 260 | **7,3** | 357 | **6,4** |
| 8 | Самарқанд вилояти | **94,1** | 154,5 | **7,7** | 101 219 | **2,2** | 910 | **1,1** | 1 739 | **11,3** | 12,6 | **5,0** | 400 | **11,2** | 967 | **24,2** | 662 | **13,2** | 274 | **7,7** | 622 | **10,5** |
| 9 | Сурхондарё вилояти | **76,7** | 198,4 | **9,9** | 89 023 | **2,0** | 2 979 | **3,6** | 1 420 | **9,2** | 9,4 | **3,8** | 186 | **5,2** | 884 | **22,1** | 422 | **8,4** | 235 | **6,6** | 326 | **5,9** |
| 10 | Сирдарё вилояти | **52,4** | 35,2 | **1,8** | 38 795 | **0,9** | 456 | **0,5** | 956 | **6,2** | 14,1 | **5,7** | 96 | **2,7** | 794 | **19,9** | 248 | **5,0** | 200 | **5,6** | 169 | **4,3** |
| 11 | Тошкент вилояти | **87,5** | 133,1 | **6,7** | 100 936 | **2,2** | 1 364 | **1,6** | 1 716 | **11,2** | 15,7 | **6,3** | 186 | **5,2** | 992 | **24,8** | 568 | **11,4** | 343 | **9,6** | 483 | **8,6** |
| 12 | Фарғона вилояти | **93,0** | 136,1 | **6,8** | 95 961 | **2,1** | 2 284 | **2,7** | 1 545 | **10,0** | 18,8 | **7,5** | 175 | **4,9** | 924 | **23,1** | 1 017 | **20,3** | 209 | **5,8** | 514 | **9,6** |
| 13 | Хоразм вилояти | **57,0** | 57,4 | **2,9** | 80 258 | **1,8** | 2 270 | **2,7** | 1 063 | **6,9** | 9,4 | **3,8** | 101 | **2,8** | 681 | **17,0** | 359 | **7,2** | 161 | **4,5** | 436 | **7,4** |
| 14 | Тошкент шаҳри | **18,4** | | | | | | | | | | | | | 465 | **11,7** | 117 | **2,3** | 92 | **2,6** | 67 | **1,9** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 6 мартдаги Ф–18-сон фармойишига
3-илова

**“Долзарб бир ойлик” сафарбарлигини мувофиқлаштирувчи**
**РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| А.Н. Арипов | – | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, *комиссия раиси* |
| Ғ.Ғ. Мирзаев | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, *комиссия раиси ўринбосари* |
| Ж.А. Қўчқоров | – | Бош вазир ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири, *комиссия раиси ўринбосари* |
| Д.Б. Қодиров | | Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси |
| М.П. Оллоёров | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори |
| А.Ж. Раматов | – | Бош вазир ўринбосари |
| З.Б. Маҳкамова | – | Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| Т.А. Ишметов | – | Марказий банк раиси |
| Б.Э. Захидов | – | камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири |
| И.Ю Абдурахмонов | – | қишлоқ хўжалиги вазири |
| Ш.Р. Хамраев | – | сув хўжалиги вазири |
| А.А. Абдухакимов | – | экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири |
| Ш.С. Хидоятов | – | қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири |
| И.Р. Махкамов | – | транспорт вазири |
| Х.У. Умарова | – | мактабгача ва мактаб таълими вазири |
| К.А. Шарипов | – | олий таълим, фан ва инновациялар вазири |
| А.А. Худаяров | – | соғлиқни сақлаш вазири |
| Б.Б. Кудратходжаев | – | фавқулодда вазиятлар вазири |
| Б.Т. Норқобилов | – | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси |
| И.И.Норқулов | – | иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| Н.Қ. Холмуродов | – | инвестиция, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари |
| А.З. Саъдуллаев | – | Ёшлар ишлари агентлиги директори |
| И.К. Эргашев | – | Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори |

| | | |
|---|---|---|
| А.Ж. Вахабов | – | Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи |
| К.К. Куранбаев | – | Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси |
| Д.А. Ваҳобов | – | Савдо-саноат палатаси раиси |
| С.С. Аннакличев | – | Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кенгаш раиси |
| А.А. Хаитов | – | Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси |
| С. Турдиев | – | “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси |
| И.Р. Тангриев | – | Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири, *комиссия котиби* |

**Изоҳ:** *Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1